

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: 1960 – 1970 ЙИЛЛАРДА
ТОҶИКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ**

Бажарди: Абдуллаев О.О.

Текширди: Аҳмедова Н.Р.

1960 – 1970 йилларда Тожикистон тасвирий санъати

60 йилларда Тожикистон тасвирий санъатини алоҳида таъкидлаш жоиз, чунки бу вақтдаги тасвирий санъатнинг ривожланишига икки ҳил сабабни кўрсатиш мумкин:

1. Совет санъатининг ривожланиш жараёнларида рассомлар даврнинг умумий ўсиши учун Москва ва Ленинград шаҳарларида махсус олий ўқув даргоҳларида билим олиб келишлари шарт бўлганлиги.

2. Катта рассомлар гуруҳининг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқлиги.

Илк бошланғич ўн йилликда қатор тенденциялар кўзга ташлана бошлайди ҳамда кўп йиллар давомида шаклланади. Ижодкорларнинг замонавий мавзуларга мурожати, теварак атрофни ўраб турган характерли мотивларга қизиқиш, рассомларнинг ижодини кенгайтишига олиб келади. Рассомларнинг икки истаклари том маънода улар яратган асарларида ўз жумбоғини топди.

Ёш рассомлар ўзларининг илк қадамларидаёқ маълум қоида бўйича республика тасвирий санъатининг ривожланишида ўзларини намоён қилдилар. Янги босқичнинг ўзига хослиги, бадиий шаклларнинг фаоллашуви билан яқунланади. Асарларда мазмунни очиш учун муҳим ролни бажарувчи ранг, пластика, композиция, чизгилар тасвирнинг асосий ҳаракатдаги эстетикаси бўлиб қолди.

1961 йил республикада ташкил этилган кўргазмада санъатдаги асосий жараёнлар яққол акс эттирилади. З.Ҳабибуллаев буларни ўз асаларида намоёни эта олди. Деярли дастурли асарларда уқтирилган ранг янги тамойилларни жаранглашини тасдиқлайди. Унинг “Ғижжак” (1960й) асарида маҳобатлиликнинг “қатъий услуб”и бир қанча унсурларда умумлашган, йирик ўлчамли, катта рангли текислик – рангтасвир ўзига хослиги индивидуаллик билан бирлашди – ёрқин декоративлик, ранглар тизимининг оҳангдор контрастлиги, юмшоқ лириклик билан мавзунини очиши каби хусусиятлар билан бирлашади. Барча ёш рассомлар деярли ҳамма ишларини намоёниш этишди. Шунингдек бадиий шаклнинг родини ошириш учун образ масаласини тадбиқ қилиш ҳолатлари (К.Зокиров. “Фидел Кастро”, А.Аминжонов “Тоғдаги яйлов”, Ҳ.Ҳушвақтов “Хороғ”) кузатилди. Образни яратиш фаол ранглар роли Н.Ханинанинг “Кузатув жараёни”, А.Бесперстованинг “Оқшомга” асарларида кузатилади.

60 йиллар республикада рассомлар учун ижодий саёҳат ташкил этилади. Бунга кўплаб рассомлар қатнашади. Натижада натура билан ишлаш оммалашиб борди ва уларнинг ижодидан чуқурроқ ўрин олди. 1962 йил З.Ҳабибуллаев Нурекга катта электростанция қурилишига саёҳат қилади. Натижада унинг учун бутун бир туркум асарлар яратишга асос бўлиб хизмат қилди. 1964 йил биринчи гуруҳ рассомлари Помирга саёҳат уюштирадилар ва кўплаб экспедицияларда иштирок этадилар. Бу саёҳат уларнинг ижодида сезиларли из қолдирди.

60 йилларнинг ўрталарида янги рангтасвир тамойиллари янада мустаҳкамланди: маҳобатли асарларни умумлаштиришга, тасвирнинг рангли ва пластик яхлитлигига интилиш ва бошқаларга эътибор кучаяди. Бунинг таъсирида ўн йил олдин яратилган республика тасвирий санъатининг ривожланишида

сезиларли аломатлари бўлишга улгурган муҳим асарлар яратилди. 60 йиллар алоҳида жанрларнинг интенсив ривожланиш даври ҳисобланади. Сюжет – мавзу асосидаги асар, портрет ва манзаралар шулар жумласидан. Шу билан бирга уларнинг ҳар бирида турли хусусият ва йўналишлар пайдо бўлди. Изланишларнинг сюжетли сфераси – турли образлилиги, мавзули асарларнинг бошқа республика рассомлари ижоди билан алоқаларнинг кучайиши, ёнма – ён ижоди билан изоҳланади. Демак умумий бадий таъомилларининг мустаҳкамланишига замин ҳозирлади. Сюжетли – мавзули асарда ёки бўлиб ўтаётган воқеликлар руҳий ҳолатдан ва персонажларнинг ўзаро таъсири, асар маъносини очишга имкон берувчи алоҳида ҳолатлар ишлаб чиқилди. Портретда шу билан бир қаторда психологик ечимдаги йирик ўлчамда палотнолар, парадли портретлар ёки жанрли суратлардаги ўзаро яқинлигига алоҳида эътибор берилди. Манзара жанридаги асарлар рангтаъсирнинг юксалишига асосий сабабчи бўлади. Унда қатор йўналишлар мужассамлашади: лирик – эпик, шу билан биргаликда табиатни нозик жиҳатларини ўрганиш, унинг ҳолатидаги кўп образлилиги, манзаралари, маҳобатли, декоратив образлилик ечимларидир. Кейинроқ сюжетли – мавзули асарда алоҳида, ўткинчи, руҳий ҳолатларни ва персонажларнинг ўзаро таъсирида ишлаб чиқиладиган ҳолатларнинг мазмунини очишга хизмат қилувчи умумлашган мотивларни шаклланиши ва ўзида романтик образларни уқтирувчи маълум бир ғояларни очишга хизмат қилади. В.Боборикин “Қасам”, Ҳ.Ҳушвақтов “Дохийга хат” асарларида ана шундай қарашлар ўз ифодасини топган. Мазкур портретда руҳий ҳолатдаги ечим асосида ишланган асарлар йирик ҳажмдаги, тантановар портретлар ёки маиший картиналарга яқинлигига урғу берилади.

Бу йилларда алоҳида кўтарилишни манзарали рангтаъсир жанри бошидан ўтказди. Унда турли ҳил йўналишлар жамланади. Лиро – эпик, шу билан бирга табиатни нозик ўрганишни талаб этади. Ҳолатни кўп образлилиги ва манзаралари, маҳобатли, нозик ўрганилган табиатга туташувчи образлар билан мукамал қилиб ишланган. Декоратив туташувлар ҳам асарларнинг мавзусини тўлиқ ёритишга хизмат қилган. Кейинчалик сюжетли – мавзули асарларда ва гуруҳли портретларда ҳам бундай ҳолатларни кузатишимиз мумкин. А.Раҳимов “С.Оржоникидзе номли завод ишчилари”, Р.Абдурашитов “Панджикентлик қиз” шунингдек сюжетли – мавзули асар ва манзарали асарларда Н.Матасов “Тинчлик куни”, “Пахтакорлар” каби асарлари шундай мавзу ва ғоя билан яратилди.

З.Ҳабибуллаев 1967 йили ўзининг “Баҳор” номли асарини яратди. Асарнинг ғоявийлиги, бадий ечими ва рассом учун янги ранглар жозибалиги, асар қонуниятини очиб берди. Асарда инсонларнинг меҳнаткашлиги, ерга меҳр билан ишлов беришлиги, ўзининг тақдири шу ер билан боғлиқлиги, бахтли ва қувончли онлари ўз қўлида эканлиги куйланади. Айни шу даврдан рассом ижодида янги давр бошланади. Авваллари унинг ижодида оддий чизгилар кузатилган бўлса, эндиликда асарлардаги индивидуаллик, ғоялар билан йўғрилган янгича усуллар, рассомнинг босқичма – босқич асарлар яратиб бориши, турли ҳил мавзуларга мурожат қилиши, ижодининг бойиб боришига хизмат қилди. Помир манзаралирининг ўзгармас табиати, бу диёрнинг чиниққан инсонлари, композициянинг янада янада қизиқарли бир тарзда чуқурлашувига олиб келди. Бундан баҳра олиши, янгича асарлар яратишга инсонни ундайди (“Помирга йўл”

1964й). Унинг рангтасвирида кечроқ декоратив элементлар пайдо бўлади, ранглар муҳим роль ўйнай бошлайди. Рангтасвир мураккаблашади ва бойийди. “Баҳор” асарида эса ҳаётни теранроқ ва чуқурроқ англаганлиги тасвир этилади. “Жарчи” асарида эса кульминация кўзга ташланади. Бу суратда помир аёли акс эттирилган. Асарлар ранглар динамикаси қурилишига эга, фигура, пластик, либослари бежиримлиги, ғоявий фикрларнинг асарда жаранглабю туриши, ҳаётнинг ўрганиб янгилиниши ғоялари ётади. Унинг кўплаб ишлари ҳаётидаги фаоллиги билан билан ҳаяжонли қабул қилинди. 60 йилларининг охирида рассом ўз ижодида ўзгариш қилади: сюжетлари ва мотивларни тасвирлашни ўзгартириб рангтасвир – пластик ҳамда композицияда янгича ечимларни қидиради. 70 йилларга келиб унинг ижодида юксалиш ижобий тарзда кўзга ташланади. Бадий образлилик ечими унинг асарларидаги темпи ва кучини сақлаб қолади. “Мурч сотувчи”, “Чанқоқ”, “Кабодиёнда куз” 1975 й.

60 йилларда В.Боборикин ўз ижоди билан машҳурликка эришади. Ўн йилликнинг ўрталарида у учун янги бўлган рангтасвир усуллари ўзлаштириш даври бўлади. У бадий ҳаётнинг атмосферасига мослашди дегани эмас эди, аммо шундай бўлишига қарамай Помирга рассомлар билан уюштирилган ижодий сафар улар билан бирга унинг ҳам ижодида замонавий асарлар яратилишига сабаб бўлди. Бир қанча ҳаракатлардан сўнг, ўзининг рангтасвир йўналиши ҳақида ҳикоя қилиши, қаерда очиқ контраст рангларнинг кетма – кет берилиши “Помирлик нон ташувчи”, “Рушанка” (1963й) каби асарларини яратди. Бироқ Боборикин асарларида рангларни ўликроқ тасвирлайди, лекин компонентлар ўқилишида бари ҳақиқий ранг, пластика композиция ва қаҳрамонлардаги психологик ҳолатда одамлар мустаҳкам соғлом, ички руҳияти тушунарли “Сағирдашта чўпонлари” ҳақида юқорида фикр юритилмоқда. Ушбу асар 1968 йил кўرғазмада намоиш этилган эди. Рассом образларини яратилишига, композициянинг аниқлигига эътибор қаратди. У инсонларни сафда турган ёки ўтирган ҳолатни тасвирлашни ёқтиради. У инсонларнинг психологик ҳолатини, қиёфасини ўз асарларига тушуришга уринади. У этюдлар яратди ва кўплаб этюдлар сериясини яратди. “Тарму аро” (1973 й) асарида инсонларнинг турли характерга эга эканлигини ифодалаб ёритди.

Н.Матасовнинг кўп йиллик ижодий изланишларини акс эттирувчи қатор асарларни матога туширди. Унинг одамлар ҳаёти, қишлоқ одамлари ҳақидаги мавзули асарларида унинг асосий муаммолари акс этади. “Тоғ хўжайни”, “Пахтакорлар”, “Ер иноми”, “Чўпон”. Рангтасвирининг кўпроқ кенг имкониятларини эгаллиниши рассом учун енгилликни, ишончли сезгисини, қилишга имкон берди. “Тинчлик кунлари” (1968й) асарида отлар ўйини лавҳаси тасвирланган унарда динамика, картинада спортга қизиққонликни тўлақонли ифодалаган. Кейинроқ эса тарихий жанрда “Тожикистон” (1969й) номли триптих асарини яратди.

1967 йилги кўрғазмада Р.Багдасаровнинг “Ота болалар” триптих асари характерли жиҳатдан ажралиб турди. Багдасаров – рассом, фалсафий мушоҳадага бой, кам қўлланиладиган иборалар, рамзий ва одатий чизгилардан кенг фойдаланди. Унинг асарларида аниқ кайфият, композицион қурилмалар билан уйғунликда асар схемасини жамлаб кўрсатади.

Республиканинг кекса рассомларидан бири бўлмиш Б.Фальбовнинг ҳам ишлари кўргазмадан ўрин олган эди. Фальбовнинг ижоди 60 – йилларга тўғри келади. У кўплаб изланишлар натижасида импрессионистик аъёналарнинг давомчиси сифатида янгича ёрқин ранглардан фойдаланган ҳолда кўплаб асарлар яратади. Унинг композицияларидаги манзара, натюрмортлар чуқур драматик рангларда ифода этилган бўлиб, нафис такрорланмас эмоционал ва эстетик натурани кўрсатиб бера олган “Қоратоғ”, ўзгача нозик ва нафис “Талаба қиз”, “Пичоқ билан натюрморт” асарларида ўз ифодасини топган. Фальбов ранглар билан ишлашда қувноқ кайфиятни ўз асарларига тушира олган. У асарларида буюм ва мотивларни, олма, нок, лимон, коса, хум, гуллар, тоғлар, дарахтларни ифодалаган, бироқ уларни ўзгачалик билан тасвирлаб буюмларга алоҳида эътибор қаратган. Ушбу хусусият унинг “Мактабда. Каратегин” 1963 й. асарида кўзга ташланади. Бунда она ўз боласини мактабга кузатаётган ҳолати тасвирланган. Унинг кўпқиррали ижоди асосан манзараларида сақланиб қолган.

1967 йилги кўргазмада Х.Хушвақтовнинг “Ўтган йиллар” номли асари энг яхши асар дея эътироф этилади. Асарда кекса жангини тоғлар ва отлиқлар – қизил армиячилар фонида тасвирлаб, Тожикистонни қачондир советларга қаршилигини тасвирланиши асарнинг улкан ютуғи эди. Асарда композиция аъёналарини бурилишида ўринли фойдаланганлигини кўрсатиб туради. Бу ишдан сўнг у “Дохийга хат”, “Дам олиш онлари”, “Хотирлаш” каби асарларини яратди. Унинг яратган асарлари ўзининг характерлилиги билан ажралиб турди. 60 йилларнинг охирида кечган ҳолат тасвирий санъат жараёнини ва бадиий образ муаммосини, яққол форма, тугалланган чизгилар, сокинлик асарлардаги турғун ҳолатни, композитцияда давомийликни акс эттирди. Х.Хушвақтов бир қатор манзарали “Иссиқ ёз”, “Қиблаи қишлоғи”, “Куз” ва бошқа шунга ўхшаш асарлар яратди.

Шаклан аниқ, жўшқин ва айниқса кучли қарашлар ёш рассом Р.Абдурашитов ижодида кўзга ташланади. “Кўриқ ер ўзлаштирувчи”. Доимий кўтаринкилик, тантановорлик ва образларни ромонтиклаштиришдан воз кечиш, натурани деярли ишонлилигини дастурли тасдиқли тасвирлаш, ўз – ўзидан у қандай бор бўлса аниқликда ва кундаликда тасвирлашга интилиш Р.Абдурашитовнинг асарларида ўзига хослиги билан ажралиб туради. 60 йиллар охирида кўплаб рангтасвирчилар ижодида бундай умумий ҳолатни кузатиш мумкин.

60 йилларда А.Раҳимов тасвирнинг боғланмаганлигига ва жонлилигига интилди. Уни асарларининг асосида замонавий Душанбе кўринишларини ёритиш фикр ва ғоялари ётади. “Рохат чойхонасида дам олиш куни” 1961й, қайсики бевосита ва импрессионистик енгиллик билан шаҳарнинг жонланган, гўзаллашган бурчаги тасвирланган. Унинг портрет асарларида “Мироб Ҳўжаев портрети” ва бошқаларида рангтасвирни юмшоқ матода нозик чизгилар билан муносабатини, натурани ўраб турган ҳаётий муҳити билан ўзаро алоқадорлигини тасвирлаган. А.Раҳимов ижоди давомида ажойиб натюрмортлар ҳам яратган.

И.Лисиков ҳам кўплаб замондошлари портретларини ишлайди. Унинг энг яхши портретларидан бири “Ёғоч йўнувчи С.Нуриддинов портрети” дир 1964 й. Учувчи Собиров портрети ҳам бошқа полотнолар орасидан ўрин олди. Асар

кучли ифода этилган бўлиб, инсонлар ҳаёти ва меҳнатини ёритиб берган. Лисиков П.Корина ва Т.Салоҳовлар ижодини ўрганиб улардан кенг фойдаланди.

70 йиллар Тожикистоннинг рангтасвирида ижодий қизиқишларнинг кўпқирралиги билан ҳарактерланади. У жонли, мураккаб организмни, уларда турли хил рассомларнинг индивидуал интилишлари, ўзаро алоқалари аввалгиларидан кўра яна ҳам кўп даражада дифференциялашган ва чатишган организм намоён бўлди. Ва бу даврда кекса авлод рассомлари ишлашни давом эттирдилар. М.Хошмуҳамедов яна ўзининг юмшоқ тусли, лирик манзараларига қайтади. А.Камелина учун 60 – 70 йиллар алоҳида кўтарилиш ва ниҳоятда фаоллашув даври бўлди. Янги бадиий жараён унинг санъатида ўзгача трансформациялашди. А.Камелинани аввалгидек тарихий жанрдаги рангтасвир ўзига жалб қилди. У ўз асарларида натуранинг ҳаққонийлигига интилди ва уларда либоснинг майда унсурлари, маиший буюмлар билан қуролланишига муҳит ва меъморлигига катта эътибор беради. Аммо бу ҳужжатли пишиқлик рангдорликнинг тўлиқлиги билан бирлашади ва унда декоратив ифодавийликни эгаллайди. Рангдорлик унинг ишларига экспрессивликни беради. Унинг полотноларини ҳар бир сантиметри ранг доғлари контрасти мураккаб ўзгарувчи тизимларини ҳосил қилувчи рангдорлик билан тўлдиради. Рассом бир мавзули туркум асарларни, катта ҳажмда яратади. “Бу ерда Юлиус Фучик бўлган”, “Совет Тоҷик ҳокимиятининг ўрнитилиши” каби асарларини яратди. Рассом асарларни шу даражада моҳирлик билан ишлайдики ўрта аср давридаги одамларнинг ҳолатини асарда намоён эта олган. Асарда образларнинг психологик ҳолати, унинг тузилиши, композицион ечимини очиб берган. 70 йилларда рассомлар натюрмортларни кам ишлашади. Айни шу даврда Камелинани манзара жанрига қизиқиши ортади. У аниқ ва динамик қонунларга асосланган ҳолда Тожикистон табиатини ўз асарларида ифода этади.

Катта авлод усталаридан Г.Кузьмен катта бўлмаган рангтасвир асарларини яратади. У кўпроқ манзара жанрида ижод қилиб, тоғларни, водийларни, воҳаларни юмшоқ рангларда нафис ва нозик қилиб ифодалайди. Шу билан бирга табиатни ўзига хослигини, гўзаллигини ва такрорланмаслигини ранглар билан тасвирлайди. 60 йилларда у яна рангтасвирда катта ютуқларга эришади, аммо унинг асарларида нафислик ва нозиклик йўқолмасдан янада мукамал акс эттирилади. У виқорли тоғлар образини шу даражада романтик кайфият билан ишлайдики ундан киши завқланади. “Зиддида кеч” асари шулар жумласидан. 1972 й.

Кекса авлод усталари билан бир қаторда 60 йилларда рассомлар фаол ва унумли ижодни давом эттирадилар. З.Ҳабибуллаев, В.Боборикин, А.Раҳимов, Х.Хушвақтов, Р.Абдурашитов ва бошқалар аллақачон ўрта ёшдаги авлодларга айланиб улгуришган эдилар. Улар моҳир ва етук рассомлар даврни бошларидан ўтказишган эдилар. Республиканинг бадиий ҳаётига органик ва ишонч билан ёш рангтасвирчилар криюб кела бошлайди, улар бунга шундай ўзига хослик киритишадики, уларнинг ижоди 70 йиллар республика санъатига турлича ва турли даражада ёндошадилар ва рассомлар ўзига хос образликни бера оладилар. Ёшлар санъатида барча ўзига хосликлар, индивидуал образлар турли усулларда умумий тенденциялар: катта аниқ образли ечим, бадиий воситаларни қўллаш ва ўзлаштиришда ортиқча куч сарф этмасдан асосий нарсалардан фойдаланиш,

комбинацияларни диққат билан кузатиш эвазига унсурларни мураккаб, нозик ва нафис қилиб ишланишларини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштиришлар кўзга ташланар эди. 60 йилларнинг кўп ишларига хослик билан урғу берилган натуранинг бир нечта қирраларини ўткирлашуви ва ёш рассомларнинг объектив тарзда романтик образларга ўзгартиришлар киритиб, ўзларининг қарашларини ифодалашга интилдилар. Улар кўпқирралилик, кетма – кетлик ва изчиллик билан инсон ва табиатни эгаллашга киришдилар. Инсон табиат муносабатларни ўзгача талқин этишди. Ана шу ердан натурагача қандайдир ташқаридан қарагандек “объективлаштириш” рассомнинг мавқеи бўлиб кўринади. Тасвирлашнинг бундай тамойиллари қандайдир даражада ҳаётий ҳолатларни кўпроқ чуқур таҳлил қилишга хизмат қилди. Ёш рассомлар дунёнинг нарсаларига ўзига хос характерда, эҳтиёткорлик билан ўз муносабатларини билдиришади, инсоннинг руҳий ҳолатидаги сезгирлик, унинг кайфиятига, ички кечинма ва хиссиётларига нафис характерларига эътибор қаратишади. М.Бекназаров “Қиз портрети”, З.Давутов “Сержант Капатилов”, “Физика ўқитувчиси портрети” каби асарлар шулар жумласидан.

Бу умумий тенденциялар, ҳақиқатдан, сўзсиз ҳар бир ижодкор ижодига тадбиқ қилинади. М.Бекназаровни шоироналик ва юқори образлилик ўзига жалб этади. Натурани эҳтиёткорлик билан бадиийлигига, иқтидорлилик билан асосийсини умумлаштириш ва ажрата олиш билан бирга, уни ниҳоятда реал тасвирлайди. У натурага ҳудди танқидчидек қарайди ва уни мағзини бойитишга ҳаракат қилади. Рассом “Янги микрорайон (1973 й)” номли картинасининг бадиий ечимида қзиқ ҳолатни тасвирлайди, яъни соғлом аналитик образ билан шоироналикни уйғунлаштиради. З.Давутов ўз асарларини дунёвий ижодкорлик, сокин шоирона дунё, у қандай тасвирланса рассомларнинг тасаввурида ва орзуларида янада кўпроқ нафислашган ҳарир санъатни тасвирлайдиган рассомдир. Бироқ асар деталларига катта эътибор билан қаралса уларни аниқ ва равшан қилиб ишлангани кўзга яққол ташланади. З.Давутов кўрганларини чуқур таҳлил қиладиган, нозик ва ўзгачалик назари билан қарайдиган рассомлар сарасига киради. Уни рангтасвирининг фактураси жонли, устанинг ички хиссиётлари билан руҳий ҳолатлари уйғунлаштирилган. Унинг сюжетли катиналари – декоративли: портретлар муҳим маънавий куч билан суғорилган. Унинг манзаралари шоирона тасаввурлар билан ҳаёлатлари ҳақида гувоҳлик беради. “Тоғлар” манзараси фалсафий ўйларга чорлайди, ҳудди тоғлар осмон каби чексизликка интилгандек хис қилинади.

С.Шарипова иш жараёнида аллегория ва рамзийликдан фойдаланган ҳолда техник фольклори ва маиший ҳаётнинг бир кўриниши сифатида эътироф этиши орқали асосий ўринни эгаллади. Бу рангтасвирчи ҳамма вақт санъатда янги, очиқ усуллардан кенг фойдаланади. Рассом актуал, сиёсий мавзуларни олади, уларда такрорланмас рангтасвир ва пластика ечимларини очиб беради. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам рассом образларида эмоционал психологик мувозанат ўз ҳолича қолади.

С.Қубонов изчиллик ва аниқлик билан буюмларни тасвирлашда қатъий ритмик тарзда композиция ва уни унсурларини қуриш билан бирлаштиришга ҳаракат қилади “Оила”, “Баҳор байрами”. У катта мавзули тўнтарилиш ва тарихий

жанрларга бошқа мавзулардан кўра камроқ аҳамият қаратади. Унинг яратган асарлари кўпқирралилиги ва мотивларнинг композицияда жойлаштирилишига қараб юқори савияда ишланганлигига шоҳид бўласиз.

70 йиллар санъатида шундай тенденциялар кўп кузатиладики, у рассомларнинг турли авлодларини қамраб олади. МАСАЛАН: миллий ўзига хослик асарларнинг шаклини ўзида қидиришнинг янги чизиқлари белгиланди. Баъзида эса миниатюра остида стилизацияга айланади. (М.Абдурахмонов, Г.Ярлова “Ер деҳқонларга” 1972 й.) кечроқ янада кўпроқ натижалар кўзга ташланади (З.Хабубуллаев “Қабадиён чўпонларида куз”, М.Бекназаров “Жонажон ўлка”), дастгоҳли рангтасвирда анъанавий санъатнинг усулларида фойдаланган бўлишса, замонавий кўринишда дунёни ифодалаш имконини берувчи усуллардан кенг фойдаланилди. С.Шариповнинг “Роҳи сафед” асарида бу бадиий вазифани тожикларнинг маиший, анъанавий баъзибир унсурларни сюжетларга киритиб мумаммони ҳал этади.

70 йилларда тожик санъатида бадиий изланишларнинг бошқа йўналишлари картинанинг сюжети — мавзули картинасига тадбиқ қилишга интилиш тасвирлашнинг синтезлашган шаклини мураккаб ҳаётнинг яхлит кесимида акс эттирилди. Бу ерда бир текисликда ҳолатларнинг турли сюжетли кўринишларини арашлагандек қуринади («Изготовление кошмк», С.Шарипов «Бобомнинг анорли боғи»).

Ёш рассомлар ҳудди қария коллегиялардек республика бўйлаб кўп кездилар, йирик қурилишлар ва ишлаб чиқарувчи объектлар, этюдли ашёлар йиғади ва турли хил чизма асарлар яратадилар. Шу туфайли Тожикистон учун янги пайдо бўлган индустриал манзаралари кўриниши, қайсики мотивларнинг индивидуал интерпритацияси талқин этилади (З.Давутов «Индустриал манзара», «Ишчилар посёлкаси», М.Бекназаровнинг «Кўмир комбайни цехи», Е.Просмушкин «Шуробкўмир»).

60 – 70 йиллар Тожикистон санъатида янги театр беағи саҳифаси очилади. Бу давр рассомлари санъат ривожини белгиловчи ижодий кўтарилиши театр рассомларининг саҳнавий безакнинг реализм, кўп образлилик шаклларига мурожати билан боғланган, ниҳоятда мос келувчи замонавий драматургия ва режиссурага мурожати билан эътироф этилади.

Бу даврда катта авлод усталари ўзларининг муваффақиятли юришларини давом эттирдилар: В.Фуфқин, М.Шипулин, М.Мухин, Г.Мирзахонов, М.Лебедова каби расомлар эҳод қилдилар. Сценография йўналишидаги рангтасвирли – иллюзияли ҳикоянавислик, рангтасвирчи Мухин ўзини ижодий палитрасида кенгайтиради. Г.Абдуллонинг «Озодлик машғаласи»(1964 й.) номли асари (А.Лахути номидиги Тожикистон академик драма театрига ишланган) тўпланган воситалари билан, график аниқлиги рассом ижодининг янги давр босқини бошланганидан далолат беради. «Рустам ва Сухроб» (Фирдавсийнинг «Шохнома» асарига ишланган 1966 й.) номли асарида унсурларнинг шартли беағига алоҳида эътибор қаратгани асақри ишонарли чиқишига замин яратган. М.Каримнинг «Ой тутилган тун» (1972 й.) театр беағи учун ишланган асари — ернинг яшил баландлиги, ҳайвонларнинг антик кала суяги, ўтовнинг скелети, майин эсаётган шамол — асарнинг тўлақонли фалсафий фикрлар билан

тўлдирилганлигини кўрсатади.

Мухина ўз асарларини тожик миллий санъатидаги орнаментлар билан бойитади. Деярли унинг театр спектаклларига яратган асарларида тожику миллий санъатининг ранглар жилосида, қолаверса сўзана, гилам ва кашталарида ифодалаганини кўришимиз мумкин.

Сценографларнинг йирик вакилларидан бири М.Шипулин бу вақтда театралний портрет жанрида ижод қилади ва тожик театр санъатида фаолият юритаётган илғор санъаткорларнинг портретларини яратади. Т.Гафарованинг – «Регана» образидаги ҳолати 1968 й, (Шекспирнинг «Қирол Лир» асари), Х.Назарованинг – «Нигина» образидаги ҳолати 1971 й. (С.Улуғзоданинг «Рудаки» асари) ва бошқа ижодкорларнинг образларини яратишга, уларнинг ички ҳолатларини очиб беришга интилади. Регананинг жанговар ҳолатда тасвирланиши, ундаги қонга интилиш, образнинг ҳаққоний чиқишига хисса қўшади. Унинг қоматлари деярли фон билан қўшилию кетади. Шипулиннинг портретлари уни ўзгача қобилят эгаси эканлигини кўрсатиб беради, унинг учун ранг ифодавийликнинг асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

1964 йили мусиқали театрга В.И.Суриков номидаги Москва бадиий билим юрти битирувчиси Р.Сафаров келади. Рассом опера ва балет театрида анъанавий безак ишларини бошлайди ва Э.Грига мусиқаси асосида яратилган «Пер Гюнт» асарига кўп сўзли бўлмаган, яхлит образли Норвегиянинг табиатини эслатувчи сахна безагини яратади. (С.Айний ногмидаги Тожик академик драма театри, 1966 й.). Бу эпик, нозик манзараларни, юмшоқ пастелли рангда безатиш асосини ташкил қилди ва картинанинг эмоционал мазмунини белгилаб берди. Шу тариқа рассом асарларида ранглар асарда муҳим рол ўйнаган ва бошқа сахна безакларда (А.Одинаев «Қалдирғоч» 1970, Г.Александров «Жонли сув» 1974 ва бошқалар) асосий кўринишларни ката маҳорат билан ифодалади. Театр рассомлари бу даврда инқилобий мавзуларга катта аҳамият бердилар. Кўплаб театр сахналарида умумий ғ ҳарактерли образлар тимсоли сахна безаклари ечимида ўз ифодасини топди. С.Хамроевнинг «Широқ» операси 1970 й,

70 йиллар театрларга ёш рассомларнинг келиши билан ҳарактерланади. Булар З.З.Собиров, Я.Маматқулов, Н.Қурбонқулов ва бошқалар. Турли хил қарашларга эга бўлган рассомлар ўзларини диққатларини безакларнинг конструктив қурилишига, бойтилган бадиий шаклларни қидиришга, театрнинг пластик фаоллашувига қаратади. Мазкур тенденциялар республика рассомларининг экспозицияларида, театр, кино ва телевиденияда (1977 й.) ёш сценографнинг ишлари кенг тақдим этилди. Я.Маматқулов «Қуйланмаган қўшиқ» А.Атабоевнинг сахна безагига ишлаган асари, (Тожик давлат ёш томошабинлар театри, 1973 й.), «Олим Адҳам ва бошқалар» С.Улуғзода (А.Лахути номидаги Тожик академик драма театри, 1976 й.) сахнавий асарлари ҳарактерли жиҳатдан фазовий кенгликда акс эттирилиши рассом учун ҳарактерли тарзда намоён бўлади. «Олим Адҳам ва бошқалар» номли сахна асари ягона қурилмага, рангтасвирли горизонтал парда, ўрта аср меъморлик белгиларини ташувчи, ҳаракатларни алоҳида юришлар билан тўлдиради. З.Собиров – балет театрининг рассоми эди. У А.Хачатуряниинг «Спартак» (1977 й.) балетига макет, эскиз ва сахна безагини постановканинг пластик образини яратади, ифодавий ва ҳақчил

метафорани қўллаб – буюк жангчи Красса қалқони ва бўйнига осилган занжир, ўз холатини ўзгартиришига қаратилган мазмундан келиб чиқади.

60 – 70 йилларда рассомлар уюшмаси қатор махсус республика ва шахсий кўргазмаларни театр рассомлари ижодига бағишлайди.

ХУЛОСА

Тожикистонда замонавий тасвирий санъат 20 асрнинг 20 йилларида вужудга кела бошлади. Илк рассомлар сиёсий ва ташвиқий плакатлар, ҳажвий журналлар учун безаклар яратиш, ўқув дарсликлари ва бадиий асарларни безаш билан шуғулландилар. 2 жаҳон уруши даврида графика, плакат ва айниқса, карикатура ривожланди. 40 йиллар охири ва 50 йилларда тасвирий санъат жанрлари кўпайди, рассомлар маҳорати ошди. 1947 йил Республика тасвирий санъат музейининг очилиши бунга яхши шароит яратди. Пейзаж жанрида И. Абдурахмонов, Ф. Солмонов, С. Захаров салмоқли муваффақиятга эришдилар. Кейинчалик етишиб чиққан рассомлар И. Раҳимов, Х. Хушвақтов, З. Хабибуллаев, А. Аминжонов, ҳайкалтарошлар А. Раниев, К. Жумагазин, график рассомлар К. Туренко, Х. Расулов, Д. Сафоевлар ҳаётий мавзуларда ижод қилдилар. Х. Хушвақтовнинг «Хоруғ», «Олай водийси», «Помир тоғларида», З. Хабибуллаевнинг «Ғижжак», «Яйловда баҳор» асарлари зўр маҳорат билан яратилган.

1990 йиллар Тожикистон тасвирий санъатида миллий анъаналарни, замонавий бадиий ғояларни чуқурроқ сингдиришга асосий аҳамият берилди. Чунончи, рассом С. Қурбонов ижодига тожик халқининг тарихи, миллийлик илдизлари, урф – одатлари гўзал шаклларда романтик бадиий услубда акс эттирилган. Тожикистон халқининг кўп асрлик тасвирий ва амалий санъатида безак асосий йўналиш бўлган. М. Хушмуҳамедов, А. Гайдаров, А. Камелин, А. Раҳимов, М. Бекназаровлар миллий мерос анъаналарини бирмунча янгилаган ҳолда мана шу йўналишда ижод қилмоқдалар. П. Фальбов, С. Шарипов, А. Сайфиддинов каби рассомлар бу соҳада янги йўналиш яратиш йўлига тушиб олдилар. Л. Ирисметова, М. Носирова, М. Қодирова, М. Қурбонова, З. Давлатшоева, Д. Мамажонова, Н. Хамидова, С. Саидова сингари истеъдодли аёл рассомлар етишиб чиқди. Тожикистон замонавий ҳайкалтарошлиги (А. Бикасиён, В. Одинаев, Ж. Тошматов асарлари)да ҳам янги йўналиш бошлангани сезилади. А. Лохутий (ҳайкалтарош И. Милашевич), Мирзо Турсунзода (ҳайкалтарош А. Бикасиён) ҳайкаллари, Б. Ғафуров бюсти (ҳайкалтарош И. Иванов), Душанба шаҳридаги «Ваҳдат» меъмориали (1999), Қўрғонтепадаги Исмоил Сомоний ҳайкали (1999) шундан далолат беради.

Амалий санъат соҳасида — кулолчиликда А. ва Б. Мавлоновлар, С. ва С. Соҳибовлар, М. Мирзоев; наққошликда М. Олимов, К. Гаюров; ёғоч ўймакорлигида Ю. Баратбеков, А. Йўлдошев, А. Яҳёев; каштачиликда З. Баҳриддиновлар самарали ижод қилмоқдалар. 1998 й. Ўзбекистан Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида Тожикистон рассомларининг бадиий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Тожикистон истиқлол даври тасвирий санъати кенг намоиш этилган. Тожикистон Меъморлар уюшмаси 1936 йил,

Рассомлар уюшмаси 1933 йил ташкил этилган. Тожикистон бадий санъат ходимлари Душанбадаги Давлат Бадий коллежида тайёрланади. Кўпгина тожик санъаткорлар Ўзбекистон санъат институтлари ва билим юртларида таълим олган.